



ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

# АДОЛАТ

## Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

Мухтарама онахонлар!  
Қадрли опа-сингиллар, лобар қизларим!  
Барчангизни гўзаллик ва нафосат байрами — 8 март — Хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, сизларга ўзининг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни ихзор этишга ижозат бергайсиз.

Она дегиримиз узра кўклар нафаси уфуриб турган шу кунларда биз барчамиз баҳор ва аёл деган ардоқли сўзларнинг бир-бирига нақадар ҳаммаҳор ва уйғун эканини беихтиёр ҳис этамиз. Чунки, баҳор ҳам, аёл ҳам инсон кўнгида аввало ҳаётга муҳаббат, эзгу орзу-интилишлар, меҳр ва саховат каби олижаноб ҳиссиётларни уйғотади.

Бу байрам Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси бўлган аёл зотини улуғлаш, юрагимиздаги энг юксак туйғуларни ифода қилиш учун бизга янги бир имкон бериб, уларнинг ҳаётимиз, жамиятимиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур аниқлаш, қадр-қимматини жойига қўйишга яна бир бор даъват этади.

Мана шу кўтлуг айёмда, авваламбор, барчамизни дунёга келтирган, кўз нури, қалб кўри, бутун борлигини фарзандларига бағишлаган, биз олдидан умрбод қарздор бўлган меҳрибон оналаримиз, мўътабар мома ва бувиларимизга таъзим қиламиз.

муносиб ўрин эгаллашига эришиш, уларнинг истеъдод, билим ва тажриба, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш йўлида ҳали-бери мавжуд бўлган кўпгина тўсиқ ва муаммоларни ечиш вазифаси олдимизда турганини унутмаслигимизни истардим.

Айни вақтда 2007 йилнинг юртимизда "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон этилиши муносабати билан қабул қилинган давлат дастурда белгиланган тадбирларни сўзсиз бажариш, авваламбор жамиятимизнинг пойдевори ва таянчи бўлиши оилани мустаҳкамлаш, уни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш ҳамда фаровонлигини ошириш, аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш сингари муҳим масалаларни ҳал этиш барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юқлашини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятда хотин-қизларимизни ҳокимиятнинг барча тармоқларида — бу қонунчилик ёки ижро ҳокимияти бўладими, суд-ҳуқуқ тизими бўладими — том маънодаги тенг ҳуқуқли ва фаол иштирокини таъминлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шу борада бир мисол келтиришни ўринли, деб биламан.

Бизнинг сайлов тўғрисидаги мавжуд қонунларимизда Президент ташаббуси билан Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия томонидан хотин-қизларга камидан 30 фоиз ўрин ажратиш шартли белгилаб қўйилган.

Шунга қарамайдан, бугунги кунда маҳаллий вакиллик органларида аёлларимизнинг умумий иштироки 16 фоизни, Қонунчилик палатасида 17,5 фоизни, Сенатда эса 15 фоизни ташкил этишини афсус билан қайд этамиз.

Албатта, депутатликка номзодларни аввало сайловчилар сайлашини ҳаммамиз тўғри тушунамиз. Лекин ана шу сайловларда хотин-қизларнинг фаол иштироки тиши ва қонунчилик идоралари ҳамда маҳаллий вакиллик органларида муносиб ўрин эгаллаши кўп жиҳатдан кенг жамоатчилигимизга, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқ эканини ҳам эътиборда тутишимиз зарур.

Энг ривожланган демократик мамлакатлар, аввало, Европа давлатлари тажрибаси, уларнинг бугун кеңираётган тинч, фаровон ва осуда ҳаёти, керак бўлса, ўз шароитимиз, босиб ўтган йўлимиздан чиқарадиган ҳулосалар шунини кўрсатмоқдаки, юксак билим ва малакага эга бўлган оқила аёлларимиз ҳокимиятнинг қонунчилиги, ижро ва суд тармоқларида нуфузли ўринни эгаллаб, хотин-қизларимизнинг, халқимизнинг ишончли вакиллари сифатида фаолият олиб бориши учун кенг имконият очиб берсак, бу ҳолат ижтимоий ҳаётимизда доимий анъанага айланса, ишончли қонунчилик, олдимизда турган барча муаммоларни адолатли ечишда, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида салмоқли қадам қўйган бўламиз.

Уйлайманки, кейинги сайловларда барчамиз бу ўта муҳим масаланинг моҳияти ва аҳамиятини теран англаган ҳолда, ўз фуқаролик ва сайловчилик бурчимизни адо этишда бу масалага алоҳида эътибор берамиз.

Қадрли опа-сингилларим!  
Сизларни гўзал байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хондонларингизга тинчлик ва фаизу барак тилаймиз.

Толенингиз баланд, умрингиз узок, ризку насибангиз зиёда бўлсин!

Истиклол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш борасидаги барча эзгу саъй-ҳаракатлар давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган.

Пойтахтимизнинг "Туркистон" саройида 8 март — Хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали мажлисга Ватанимиз равнақи йўлида узок йиллар самарали меҳнат қилган онахонлар, жамият ҳаётининг барча жаҳалларида фидокорона фаолият олиб бораётган аёллар, хотин-қизлар кўмиталари раҳбарлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, иқтидорли қизлар тақдир этилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Имомова мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш бўйича бетимсол ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу борада Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

**Ислам КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



## Ҳаётимиз гули, жамиятимиз таянчи

Истиклол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш борасидаги барча эзгу саъй-ҳаракатлар давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган.

Пойтахтимизнинг "Туркистон" саройида 8 март — Хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали мажлисга Ватанимиз равнақи йўлида узок йиллар самарали меҳнат қилган онахонлар, жамият ҳаётининг барча жаҳалларида фидокорона фаолият олиб бораётган аёллар, хотин-қизлар кўмиталари раҳбарлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, иқтидорли қизлар тақдир этилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Имомова мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш бўйича бетимсол ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу борада Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармонга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда, оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, аynиқса ёшларни миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асрашда маслаҳатчи аёлларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Жамиятимизда меҳр-оқибат, узаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида эришилган ютуқлар нуфузли халқро тақдирлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Ўзбекистонда бу йўналишда ўрганса арзишадиган тажриба тўплангани эътиборга молиқдир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган давлат дастурига бinoан оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод ҳамда оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар, лойиҳалар амалга оширилаётди. Тиббиёт масканлари — она ва бола скрининг марказлари, кишлоқ врачлик пунктлари, спорт-соғломлаштириш масканларининг фойдаланишга топширилиши, замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлангани бунинг ёрқин далилидир.

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти мамлакатимиз иқтидорли қизларини аниқлаш, кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги ижодий ютуқлар сари даъват этишда муҳим омили бўлмоқда. Тадбирда Ўзбеки-

тон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 мартдаги қарорига мувофиқ аёло ҳуқуқи, зук-қолиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намойён этаётгани ҳамда адабиёт, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган иқтидорли қизларга совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлар топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи Абдулла Орипов мамлакатимиз хотин-қизларини байрам билан табриклаб, ўзининг янги шеърини ўқиб берди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ туманидаги 8-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Улбосин Орипов, Бухоро юрtdик ва маънавий хизмат коллежси талабаси Зебунисо Муродова, шунингдек, Тошкентдаги 14-болалар жарроҳлиги касалхонаси бош шифокори Моҳиба Обидова, Сергели тумани Жомий номидаги маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилорам Ҳайдарова юрtdимизда хотин-қизларни, жумладан, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, камол топтириш ва истеъдодини тўла намойён этиши учун барча шароитларни яратиш борасида қўрсатган ҳамхўрлиги учун Юртбошимизга миннатдорлик ихзор этди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг куй-қушиқ ва рақсларни тадбирга фойз бахш этди.

**Назoат УСМОНОВА,**  
ЎзА мухбири  
Суратда маросимдан лавҳа  
Мухаммад АМИН  
(ЎА) олган сурат

## Иттифоқчилик тамойиллари — амалда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 март куни Оксройда Россия Федерацияси ҳукумати раиси Михаил Фрадковни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу ўзаро муносабатлардаги муҳим воқеа эканлигини таъкидлади.

— Сизнинг Ўзбекистонга ташрифингиз икки томонлама ҳамкорлик барча соҳаларда юксак суръатлар билан ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, — деди Ислам Каримов. — Утган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ортганининг ўзиёқ бу фикрингиз ёрқин далилидир. Шу билан бирга, бугунги учрашув ҳамкорликка оид долзарб масалалар юзасидан атрафлича фикрлашиш учун яхши имкониятдир.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликни олий даражага кўтариш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ўзаро алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳамкорлик кўлами йилдан йилга кенгаймоқда.

Ўзбекистон ва Россия халқлари билан Россия раҳбарларининг ўзаро муносабатлари ривожлантириш масалаларида, кўллаб-қувватлаш ва минтақавий муаммоларга қаршисини муштарак Мамлакатларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евросоюз иқтисодий ҳамжамияти каби тўлиқлар доирасида ҳам яқинда ҳамкорлик қилиб келади.

Иқтисодий ҳамкорлик борасида гапирганда, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мутасил ўсиб бораётганини қайд этиш жоиз. 2006 йили бу борадаги кўрсаткич 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Унинг салмоқли қисмини машинасозлик, ёғоч ва целлюлоза-қоғоз, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил қилди. Хусусан, утган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан зиёд кишлоқ хўжалиги маҳсулотли сотиб олди. Аввалги йилларда бу кўрсаткич 300 миң тонна атрофида эди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сани тўрт юз элликдан ошди. Россияда эса Ўзбекистон сармояси билан тузилган 284 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкорликнинг асосий соҳалари — савдо, энергетика, сугурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш, электротехника ва санъатнинг кўллаб-қувватлаш тармоқлари.

Мутахассислар мамлакатларимиз иқтисодийнинг деярли барча соҳаларида самарали ҳамкорлик қилиши мумкинлигини таъкидлашди. Аynиқса, нефть-газ, тоғ-кон саноати, қора ва рангли металлургия устувор тармоқлардир. Бундан ташқари, телекоммуникация ва дастур таъминоти, машинасозлик, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Ёқилги-энергетика мажмуидидаги ҳамкорлик алоҳида диққатга сазовордир. Айни пайтда Ўзбекистонда «Газпром» ва «Лукойл» компанияларининг 2,5 миллиард долларлик сармояси ўзлаштирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, соҳа инфратизимини янада такомиллаштириш, магистрал қувурларни ривожлантириш, янги қонларни ўзлаштириш ишларига имкон қадар кўп сармоя жалб этиш Ўзбекистон ва Россиянинг жаҳон энергетика бозоридидаги ўрнини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг виллоятлари билан Россия Федерациясининг субъектлари ўртасидаги бевосита алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда.

Мамлакатларимиз кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳанинг бошқа йўналишларида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистонда бир неча йилдан буюн Г.П.Пеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг филиали фаолият кўрсатаётгани, утган йили М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг Тошкент филиали илк талабаларини қабул қилгани бунга яхши мисолдир.

Маданият ва санъат номидаги ҳамкорликнинг ҳамкорлиги доирасида турли кўрсаткич ва гастроллар ташкил этилмоқда.

М.Фрадков Россия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг яқин ҳамкорларидан деб билишини, ташрифидан қўзланган асосий мақсад савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳадаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама этишдан иборат эканлигини таъкидлади.

Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини янада ошириш, юқори технологиялар соҳасида илмий-амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун икки томонда ҳам катта имкониятлар мавжудлигини қайд этди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизқитиришга бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎА)

## Партия мафкураси ва дастурлар моҳияти

демократик жараёnlарга мувофиқ, фаолият ва тарғибот эса шаклан, услубан такомиллашган бўлиши долзарб вазифа



Пойтахтимиздаги Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида "Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда "Адолат" социал-демократик партияси ролли ва нуфузини ошириш масалалари" мавзусида семинар ўтказилди.

Президент Ислам Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кўчайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг

15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар фаолияти учун янги имкониятлар очиб берган бўлиши асос ҳам бўлади. Мана шундан сиёсий жараёнда "Адолат" СДП ўз олдидида долзарб вазифаларни белгилаб олиш мақсадида зарур чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Мазкур тадбир ҳам бу борадаги муҳим қадамлардан бири саналади.

— Юрtdимиздаги сиёсий партиялар билан мустаҳкам алоқа ўрнатганимиз ва улар билан ҳамкорликда кўллаб-қувватлаш бўлиши, — деди семинарни бошқарган Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори Маъруф Усмонов. — Аммо бугунгидек ҳам партия, ҳам сиёсатчилар билан илк маротаба анжуман ташкил этилди.

Давоми 2 - бетда

## Ушалаётган орзулар

Мамлакатимиз спортчиларининг халқаро миқёсда эришадиган галабалари салмоғи тобора ортиб бормоқда. Бунда маҳоратли спортчи қизларимизнинг ҳам муносиб улуши бор. Трампалин (батутдан сакраш) бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Екатерина Хилъконинг қитъа ва жаҳон чемпионатлари, йирик нуфузли мусобақаларда қайд этаётган натижалари шулар жумласидандир.

"Сидней-2000" ҳамда "Афина-2004" олимпиадалари иштирокчиси, Европа кубоғи соҳибаси, Жаҳон кубоғи баҳслари совриндори бўлган ҳамюртимиз ўтган йилнинг декабрида Доха (Қатар)да уюштирилган XV Осиё ўйинларида бронза медалини кўлга киритиб, яна бир қарра юксак эътирофга сазовор бўлди.

Давоми 4 - бетда





# ХОРИЖ АБАРЛАРИ



## 30 кундан сўнг

Чеченiston Республикаси президенти этиб сайланган Рамзон Қодировнинг «тахтга ўтириш» маросими 5 апрель куни Грозний шаҳрида бўлиб ўтади.

Республика Парламенти Спикери Дулувахе Абдурахмоновнинг маълум қилишича, мамлакат конституциясига биноан сайлов натижалари расман эълон қилинганидан 30 кун кейин янги президент ўз ваколатларини амалга ошириши мумкин.



### Муҳим топилма

Грециянинг Козони ва Флорина шаҳарлари ўртасида милoddan аввалги 6 минг йил илгари мавжуд бўлган давлат қолдиқлари топилди.



Бу жойда 2003 йилдан буюн изланишлар олиб борилаётган бўлса-да, археологлар қилиниши лозим бўлган ишлар кўламини энди хис қилишмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, гап аксарият қисми ер остида яширинган бир неча қишлоқлар ҳақида бормоқда. Хозирга қадар тош-ли меҳнат қуроллари, эллик-

### Австрияда авиаҳалокат

Австриянинг Зальцбург шаҳри яқинидаги Целам Зее шаҳарчасида самолёт ва вертолётнинг тўқнашиб кетиши оқибатида саккиз киши ҳалок бўлди.

Авиаҳалокатда ҳалок бўлганлардан етти нафари юк ташувчи вертолётда кетаётган эдилар. Super Puma русумли ушбу вертолёт Швейцариянинг тоғли дам олиш маскани — Капрун ҳудудида электртармоқларини ўрнатаётган Helog фирмасига тегишли бўлган.



Целам Зее аэропорти ҳодимларининг хабар қилишича, Шаркий Тиролга учиб кетаётган кичик самолёт — Катанада биргина учувчининг ўзи бўлган.

Айни пайтда тўқнашув сабаблари ўрганилмоқда. Фалокат жойида 200 га яқин кутқарувчи-мутахассислар ва ёнгин учирувчилар иш-лашмоқда.

### Ким кўпроқ яшайди: аёл ё эркек?

Eurostatнинг статистик маълумотларга кўра, 2050 йилга бориб Европа Иттифоқининг барча 27 мамлакатидоги аёлларнинг ўртача яшаш ёши янада ошади.

Уша пайтда энг узоқ умр кўрувчи аёллар Франция (89,1), Италия (88,8) ва Бельгия (88,3)да бўлиши кутилмоқда. Шу билан бирга яқин ўн йилликда европалик эркекларнинг ёши ҳам катталшиб бориши эҳтимолдан холи эмас.

2005 йилда ЕИ давлатларидаги аёлларнинг ўртача ёши 81,5 эркекларники эса 75,4 деб белгиланган эди. Бундай катта фарқ — 12 ёш — Латвия ва Литвада ҳам куза-



тилган бўлса, Буюк Британия, Голландия, Швеция ва Мальтада бу кўрсаткич 4 ёшни ташкил этганди.

### Осиё фонд бозорига нарх пасаймоқда

HSBC банки Гонконг шаҳар бўлими таҳлилчиларининг маълум қилишича, Осиё фонд бозорларидаги акцияларнинг нархи тушиб кетиши бир ойдан икки ой муддатгача чўзилиши мумкин.

Қизиги шундаки, Осиё бозорларида кўп учрайдиган ҳолат — мувозанат бузилиши ҳар доим баҳор фаслига тўғри келар экан. Аниқланишича, сўнги уч йил мобайнида баҳорда кузатилаётган мазкур ҳолат ўртача 40 кун давом этиб, нархлар 8 фоиздан 21

фоизга қадар арзонлашиб кетган. Сўнги ҳафта ичида эса бу кўрсаткич 5 фоизни ташкил қилиб турибди.

Айни пайтда Осиё акцияларининг нархи ўтган йилгига нисбатан баландроқ, Башорат қилинишича, бу йилги фарқ 5,9 фоиздан ошмаслиги мумкин.

Ўтган ҳафтада Шанхай фонд биржасида бошланган мувозанат бузилиши кўпчиликнинг кайфиятини тушириб юборди. Hang Seng индекси 4 фоизга пасайиб кетган кун эса Гонконг матбуотида «машъум душанба» сифатида тилга олинди.

С. ЖАББОРОВА тайёрлади

### “Адолат” ҳуқуқий маслаҳатхонаси

#### Байрам куни арафасида...

Байрам кунлари дам олиш куни деб белгиланганидан хабарим бор. Лекин байрамлар арафасида, яъни бир кун олдин ҳодимларнинг иш вақтини қисқартириши билан боғлиқ қонунчилигимизда қандай имтиёзлар мавжуд? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

Н. Холиқова, Навоий вилояти

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 131-моддасида байрам (ишланмайдиган) кунлари белгиланган. Бундай кунлар сирасига қуйидагилар киради:

1 январь — Янги йил, 8 март — Хотин-қизлар байрами, 21 март — Наврўз байрами, 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни, 1 сентябрь — Муқддас қуни, 1 октябрь — Ҳаққиллик куни, 1 ноябрь — Ҳаққиллик куни, 8 декабрь — Конституция куни, Рўза ҳайит (Ийд ал Фитр) диний байрамнинг биринчи куни, Қурбон ҳайит

(Ийд ал-Адха) диний байрамнинг биринчи куни.

Ушбу байрамлар арафасида ҳодимлар иш вақтини белгилашда муайян имтиёзлар қонунчиликида белгиланган. Яъни, Меҳнат кодексининг 121-моддасига асосан байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ҳодимлар учун камида бир соатга қисқартирилиши шарт. Бундан ташқари, жамоа шартномаси ва келишувларида яна қўшимча имтиёзлар белгилаб қўйилиши мумкин.

#### Қўшим уйини менга қолдирмоқчи...

Ёлғиз яшётган, кекса бир қўшим кейинги пайтларда қийналиб қолганини, агарда мен уни умрининг охиригача моддий жиҳатдан таъминлаб турсам, яшаб турган уйини қонуний эгалик қилишим учун менга қолдиришини айтди. Ҳўш, қўшимнинг уйи менга қонуний ҳолда ўтиши учун нима қилишим керак?

Ф. Назаров,

Тошкент шаҳри

Бундай ҳолда Сиз қўшингиз билан узаро умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасини тузишингиз керак.

Фуқаролик кодексининг 530-моддасига асосан умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уянинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, бир тараф (олувчи) ёши ва соғлиги туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парваришлаш ва зарур ердан кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жой (уянинг бир қисми)ни, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади. Шартномада бошқа шахсга берувчига қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой (уянинг бир қисми), квартиранинг қиймати кўрсатилиши лозим. Бу тарафлар келишуви билан белгиланади. Шартнома ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши шарт.

Мазкур шартномага мувофиқ, олувчи шартнома амал қилиб турган даврда уйни (уянинг бир қисми)ни, квартирани сотиш, ҳада қилиш, гаровга қўйишга ва уй (уй-

нинг бир қисми), квартирага мулк ҳуқуқини оғирлаштирадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас. Бу уй (уянинг бир қисми), квартирага олувчининг қарзлари бўйича ундириш қаратилмайди.

Агар олувчи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаса ёки тегишли даражада бажармаса, бошқа шахсга берувчи таъминотни вақтинчалик билан ҳақ тарзида тўлаб туришга алмаштириши ёки шартномани бекор қилиши талаб қилиши мумкин. Шартнома бекор қилинган тақдирда уй, квартира ўз эгаси — берувчига қайтарилиши лозим. Шартнома бошқа шахсга берувчининг талабига кўра бекор қилинганда олувчи шартнома амалда бўлган вақтда бошқа шахсга берувчини таъминлаш ва уйни (уянинг бир қисми)ни, квартирани сақлаб туришга қилган харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади.


Мазкур шартномага мувофиқ, уй-жойни олувчи вафот этган тақдирда шартнома бўйича мажбуриятлар унинг ворисларига ўтади. Олувчининг ворислиги бўлмаганида ёки улар шартномани бажаришдан воз кечганларида олувчига берилган уй-жой уни бошқа шахсга берувчига қайтарилади.

Саволларга ҳуқуқшунос Ойбек ДАМИНОВ жавоб берди

# «ФАРҒОНА ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

**Мухтарам опа-сингиллар, Сизнинг юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, ислохотлар, буюк бунёдкорлик ишларидаги улушингизни, баркамол авлодни тарбиялаш ва вояга етказишдаги заҳматли меҳнатингизни ғоятда қадрлаймиз. Барча хайрли ишларингизга зафарлар тилаймиз.**

## Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз аёллар!



### Кичик бизнеснинг

#### ўзига хос хусусиятлари

Республикамизда бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муҳим эътибор қартилаётган. Жумладан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисида»ги қонун, «Банк тизимида»ги эркинлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қарорлари соҳа ривожини учун қўлай шарт-шароит яратди.

Шунга қарамай, хозирги иқтисодий ҳаётнинг оқимида «туша олмаган» айрим кичик корхоналар фаолиятини тугатмоқда. Бу кичик бизнес фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади. Қолаверса, бу ҳол Ўзбекистондагина эмас, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида ҳам кузатилади. Масалан, Буюк Британияда янги ташкил этилган корхонанинг ҳар учтадан биттаси 2-3 йилда ўз фаолиятини тўхтатса, 5-6 йилдан кейин уларнинг фақат 30-35 фоизи қолади, холос Германияда эса ҳар йили 40 минг атрофида турли кичик корхона ва фирмалар ташкил этилса, шу вақтнинг ўзига улардан 20-25 мингга фаолиятини тўхтатади. Бу, авваломбор, кичик тадбиркорлик сектори учун янги технологияларни кенг миқёсда тадбиқ этишдаги қийинчиликлар, хусусий ресурсларнинг чеклангани ва рақобат курашидаги юқори даражадаги ҳавф-хатар билан изоҳланади.

Бизнингча, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда янада кучлироқ намоён бўлувчи қуйидаги муҳим омиллар табиатини ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

— таваққалчилик бизнеснинг биринчи талаби бўлиб, у юзага келиши мумкин бўлган ҳавф-хатарга қарамай амалга ошириладиган фаолиятдир;

— мулкий жавобгарлик тадбиркор томонидан иқтисодий ресурслар — хомашё ва материаллар, ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи ва тадбиркорлик қобилиятидан фойдалангани учун ҳар бир ресурс эгаси, шериклар, иштирокчилар, кредиторлар ва умуман жамият олдидаги жавобгарликдир;


— ташаббускорлик — тадбиркорлик фаолияти асосида энг муҳим жиҳатлардан бири. Ҳар қандай тадбиркорлик негизда ташаббус ётади. Жамият эҳтиёжларини қондириш орқали даромад олиш учун, энг аввало, тадбиркор ишлаб чиқариш омилларини топиши ва уларни узаро бириктириш ташаббусини ўз қўлига олиши даркор.

Кўриниб турибдики, кичик бизнес билан шуғулланишни истаган киши, аввало, унинг ўзига хос хусусиятларини тўғри англаб етиши, шунга кўра омилкорона ҳаракат қилмоғи лозим. Ана шунда нафақат соҳа ривожига, балки мамлакат иқтисодиёти тараққиётига ҳам ҳисса қўшган бўлади.

Ф.РУСТАМОВ,  
Тошкент Молия институти талабаси

## “САМАРҚАНДАГАЗ” ҲУДУДИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ ҚОРҶОНАСИ ЖАМОАСИ

**Барча хотин-қизларни гўзаллик ва нафосат байрами билан самимий қутлайди. Уларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва фарзандлар камолини тилайди.**



**Мунис онахонлар, азиз опа-сингиллар юзингиздан қулсу, қалбингиздан шодлик ҳеч қачон аримасин!**

# 8 март

ООО «MAVLYUDAXON» приобретает до 54 % акций АК ОАО «MATLUBOTSAVDO» расположенного по адресу г.Ташкент

# Ушалаётган орзулар


Давоми. Боши 1-бетда

Айни пайтда Екатерина Хилько нима билан машғул? Келгуси режалари қандай? Мохир спортчимиз билан қилган сўхбатимиз шулар ҳақида бўлди.

— Спортнинг ушбу тури билан шуғуллана бошлаганимга ўн олти йилдан ошди, — дейди юзида табассум билан Катя. — Узоқ йиллар тахрибали мураббий Роза Якубова кўл остида машғулларга қатнадим. Ундан мен нафақат ушбу спорт турининг, балки ҳаётнинг ҳам кўп сир-асрорларини ўргандим, десам янглишмайман. Ҳозирда ёш мутахассислардан бири Елена Федоренчик менга устозлик қилмоқда. Бир вақтлар жуфтлик баҳсларида Лена билан бирга майдонга тушганмиз. У менга устозгина эмас, яқин сирдош, дўст ҳамдир.

— Катя, трамплиннинг бугунги кунда жаҳон миқёсидаги ривожини қандай баҳолайсиз?

— Трамплин дунё миқёсида ўз анъанаси ва ўрнига эга. Гарчи, бу спорт тури қитъамизнинг энг нуфузли мусобақаси — Осиё ўйинлари дастурига яқиндагина киритилган бўлса-да, 2000 йили Сиднейда ўтказилган Олимпия ўйинларидан бошлаб медаллар учун кураш кизгин кечмоқда. Эътироф этиш керак: Осиёда трамплин ниҳоятда жадал юксалмоқда. Буни келгуси йили Пекинда бўладиган навбатдаги Олимпия ўйинларининг



ўтказилиши билан изоҳлаш мумкин. XV Осиё ўйинларида голиблик учун кураш ҳам асосан булажак олимпиада мезбонлари — Хитой вакиллари ўртасида кечди.  
— Сиз дунё таснифидан нечанчи погонадан жой олгансиз?  
— Осиёда учинчи, жаҳон миқёсида эса ҳозирча тўққизинчи погонани банд этганман. Бу мени каноатлантормайди, албатта. Ҳозир барча эътиборни ана шу кўрсаткичларни яхшилашга қаратганман.

III  
Томошачилар орасидан яна ола-говур кўпти: "Ана улоқнинг солигини йиғаетибдилар!", "Улоқ ҳозир бошланади!", "Мурод чавандоз ҳам турди!", "Салим қалпогини кийди!", "Ўзи қасбоб улоқни бўғизламоқчи, личогини қайрапти!", "Бойваччалар ҳам қузғалишдилар!", "Салим чопонини ечмоқчига ўхшайди!", "Ҳай барақалла, шоввозлар!"

Уртоқларим билан мен ҳам улоқнинг тезроқ бошланишини кутмоқдамиз. Чавандозларнинг қайсиси тўнини ечмоқда, баъзиси отининг айлини тортмоқда ва қайси бировлар улоқнинг солигини бермоқда эдилар. Акам ҳам шохи салласи билан беқасам тўнини менга бериб, ўзи ўртага от ўйнади кетди.

Улоқчилар бирин-бирин ўртага жум бўла бошлаган бўлсалар ҳам, хануз улоқ ўртага кирмаган эди. Ҳамма томошачилар сабрсизланиб, "Шу тобгача туя бўғизласа ҳам бўлар эди, улоғи яхлаб қолдими?" дейишадилар.

Орадан талай вақт ўтгандан кейин, бўғизланган улоқини олдиға ўнгариб Ориф саркор ва унинг орқасидан бояги машҳур чавандозлар қалпоқни чаккага қўйиб, эгарга қийишқ ўтираб, ўртага кирдилар. Томошачилар улоқни қурганлари он: "Хох, жонивор, бормисан!" дейишдилар.

Орадан аллақим: "Улоқнинг қони яхши ювилдими?" — деб сураган эди. Ориф саркор: — Хотиржам! — деди ва улоқни шалқ этиб ташлади, сўнгра халққа яқинроқ келиб: — Огайнилар! Бола-чақаларни Давоми. Боши ўтган сонда

четга чиқаринглар, от оёғида қолгилиқ бўлмасин, ўзларинг ҳам эҳтиётроқ жойда туринглар, хайвон билан бўлган иш қийин! — деб ваъз айтди.  
Ориф саркор халқдан фотиҳа олиб, отини югуртириб, тўдага кетди. Томошачилар тўдадаги ўз яқинларига: "Бу кун гайратларингни кўрамиз-да!" — деб бақиршдилар.  
Бириси олади, иккинчиси тортади. Иккинчисининг ёнига учинчиси ва тўртинчиси қушилиб, бирдан саккиз томонга тортиқлашадилар, орага четдаги улоқчилар ҳам сиқилишиб кириб, яна улоқни буйдалаш-

"Берма, чапга бурил, чапга!", "Тут, қўйма!", "Вой тўймагур, бериб юбординга, ўз кўнглингда сен ҳам улоқчисан-да!", "Отинг ҳаром қотсин, отми, эшакми — бу ҳаром ўлтуринг?"... деб ҳар хил товушда бақиршадилар. Улоқ ерга тушиб кетиб қолса, томошачилардан баъзиси югуриб бориб ердан улоқни азод кўтариб олади, укасини, ошнасими — ишқилиб бирорта яқин кишисига тутқизмоқчи бўлади. Лекин бошқа чавандозлар улоқни ундан олмоқчи бўлиб устига дув йигилдилар, у бермасликка тиришадди, бошқалар ўртага санжоб қилиб сиқадилар. Бечора ан-

ўлаэзиб бўлса ҳам улоқни тақимга босгач, отга қамчи бериб эллик-олтмиш одим нарига қочиб борадилар-да, яна орқадагилар тарафидан ўралиб олинадилар. Яна тортди.

Улоқ бошлангандан бирор соат вақт ўтган эди. Бирдан улоқчилар сув куйгандек тинчиб, тортиш ўрнига тўпланишиб қолдилар. Биз, отлик-яёв томошачилар ҳам ҳаммамиз ўртага югуришдик. Мен кейинроқ борганим учун отлик-яёв халқ ўртасини сириб олган эди. Мен чекканда қолдим. Ҳар қанча уринсам ҳам ўртага киришининг эли бўлмаганидан кейин одамларнинг озғига қараб турдим. Ле-

дейишдилар. Нарӣ тур-бери тур қилиб, беш-олти киши отга босириқ бўлганин ўртадан олиб чиқдилар. Кишиларнинг кўмаги остида келтириб, саданинг остига ётқиздилар.

Дарров бир киши аравага юборилди, биттаси ўзига келармикан, деб ўлукдек бўлиб ётган Эсонбойнинг юзига сув сепиб қурган эди, кимир этмади.

— Беш-олти отнинг тагида қолди-да, бечора!  
— Унта отнинг тагида қолса ҳам ҳеч гап эмас-ку, бироқ қалтисроқ жойдан босганга ўхшайди...  
— Умри боқий бўлса ҳеч гап эмас.

"Бечора бултурги ҳайитда менга ярим сўм ҳайитлик берган эди. Илоҳи яхши бўлсин", — деб кўнглимдан ўтказдим.

Арава келди. Эсонбой акани аравага ётқиздилар. Акам уч-тўртта ўртоқлари билан арава ёнида Эсонбойни кузатиб шаҳарга жўнаб кетди.

— Шўр пахта қилсин, кепак қиздириб боссин, — деб халқ чувирлашиб қолди.  
Улар жўнагандан кейин улоқ яна бошланиб кетди. Мен улоқ тугагунча томоша қилиб турдим. Лекин яхшики энди ҳеч кимни от босмади.

Кеча мени от қоққан экан, ўрнимга киришим билан тиррадек қотиб ухлабман. Эрта-лаб ойим: "Тур, тур тезроқ, даданг келса ўлдирди!" — деб устимдан кўрпани тортиб ташлади. Мен уйкули қўзим билан: "Дадам бозор кетмадими?" — деб сураган эдим, ойим: — Эсонбойнинг жанозасида! — деб жавоб берди.

Менинг уйкум ўчди. 1915

Абдуғалла ҚОДИРИЙИ

# УЛОҚДА

дилар. Жуда қизиқ... ҳар ким улоқни ўз тақимиға босиш ҳаракатида, лекин улоқнинг думидан, оёғидан, елидан тортувчилар жуда ҳам кўп. Тўдадан олиб чиқиш жуда қийин.

Баъзан улоқни тўдадан олиб чиқувчи ҳам кўриниб қолади, бироқ унинг кетидан улоқчилар чуғурчүкдек ёпирилишиб, ўн-ун беш қадамда тутиб оладилар. Яна тортиш бошланади.

Бу ёқдаги томошачилар: "Тақимга бос, тақимга!", "Отнинг бошини кўй, човига қамчинни шигаб бер!", "Бўш келма, маҳкам тут!", "Юганни бўшат, қамчинингни тийлаб ол, ёнингга алақисма!", "Олдинг, олдинг",

чадан кейин оқсоқланиб ёки кўлини силаб ўртадан аранг қилиб келади. Чеккан азобини сузлай-сузлай бир четга кетади.

Отаси боласини, акаси укасини танимайди, чанг-тўзон, терланган, пишилган, ҳар ким улоқни тақимиға босиш қайғусида. Бош ёрилиб, кўз чиққан билан, отдан йиқилиб қўли синган билан ларвойи фалак... Ишқилиб, улоқни босса бўлди... Тақимга босиш ўзи жуда ҳам нашъалик-да!

Лекин тақимга босиш ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди, тақимга кўпроқ босувчилар бояги чавандозлар: азобланиб

кин улоқчилар орасидаги ҳодиса ҳаммага ҳам номаълум эди. Ҳар кимнинг юзида таажубу ва бир-бирисидан: "Нима гап?" — деб сурашар эди.

Бир неча дақиқадан кейин: "Қимирлатманг, қимирлатманг!" — деган товуш эшитилиб, халқ яна таажубга тушди.

— Нарӣ бўлинглар, ҳови! — деб биров бақирди.  
Халқ бир четлик бўлиб, йўл очди. — Нима гап, нима гап? — Ҳеч нарсаси эмас... Эсонбойни от босипти!  
— Кўрқинчи эмасми?  
— Йўқ, сагал.

Кишилар бир-бирларига қараб: "Фалокат — фалокат, —

**Хоразм вилоят**  
**Халқ таълими бошқармаси жамоаси**

Мунис онахонлар, муҳтарама опа-сингиллар ва жажжи қизалоқларни гўзаллик ва нафосат байрами билан самимий қутлайди.

**8 март**

Она дидоримиз узра баҳор нафаси кеза бошлаган ушбу шукўҳли кунларда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, хонадонингизга фойзу барака тилаймиз!

**ЧИРОҚЧИ ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ**

Таълим тизимида меҳнат қилаётган барча хотин-қизларни, устоз муаллималарни баҳор байрами — 8-март билан муборакбод этади.

Ҳаётингиз доимо бахту қувончга тўлиқ бўлсин!

**МУЗРОБОД ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ**

Жамият кўрки, меҳр-мурувват ва эзгулик тимсоли бўлиш аёлларимизни баҳорнинг илк байрами — 8 март билан чин дилдан табриклайди.

**8 март** — **Хотин-қизлар куни**

Гўзаллик ва меҳр-муҳаббат доимо сизга ёр бўлсин!

**ЭЪЛОН**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати Тендер комиссияси

Компьютерлар ва ахборот техника воситаларини харид қилиш мақсадида тендер эълон қилади. Тендер муддати эълон матбуотда чиққан кундан бошлаб — 10 кун. Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Тошкент шаҳар, К.Ёрматов кўчаси, 14-уй, Ўзбекистон "Адолат" СДП Марказий аппарати. Телефонлар: 395-81-74, 395-70-27 (факс)

**ЭЪЛОН**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати Тендер комиссияси

"Адолат" СДП Устави ва Фаолият дастурини кўп сонли тиражда чоп этиш мақсадида тендер эълон қилади. Тендер муддати эълон матбуотда чиққан кундан бошлаб — 10 кун. Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Тошкент шаҳар, К.Ёрматов кўчаси, 14-уй, Ўзбекистон "Адолат" СДП Марказий аппарати. Телефонлар: 395-81-74, 395-70-27 (факс)

**ADOLAT**  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАЪЗАТА  
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган  
www.adolat.uz • E-mail: adolat\_gazeta@mail.ru

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Тахрир хайъати  
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шернат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРАТОВ

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланиши

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририят руҳсати билан амалга оширилади. t — Тижорат мақолалар белгиси.

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86; котибнат — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Нашриччи — С.ЖАББОРОВА. Саҳифаловчи — Л. ТУРСУНОВ

Нашр индекси — 100

Буюртма Г — 201  
Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган  
Қоғоз бичими А-2.  
Адади — 2425

Боснига топшириш вақти — 20.00  
Боснига топширилди — 22.40

2 3 4 5 6